*Оила согʻлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир.*

Ислом КАРИМОВ

# Оила ва жамият

48 (1097)-сон 28 ноябрь 2012 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган


## ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Машраб НУРИНБОЕВ сурат-лавҳаси.

*Мен барибир мот бўлмайман!*

*Ҳисобот-сайлов конференциялари*

# САРҲИСОБ

Маълумки, Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва нуфузини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган 80 дан ортиқ миллий ва халқаро ҳужжатлар қабул қилинганлиги аёл зотининг қадрини янада ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар самараси бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Бу борадаги хайрли ишлар самараси ўлароқ, бугун уларнинг юртимиз тараққиётидаги ҳиссаси ҳам тобора ошиб бормоқда. Айни шу кунларда жойларда ўтказилаётган Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси тизимидаги ҳисобот-сайлов конференцияларини бунга мисол сифатида келтириш мумкин. Унда ҳудудлардаги хотин-қизлар қўмиталарининг ўтган беш йилдаги фаолияти таҳлил қилиниб, келгусидаги долзарб вазифалар белгилаб олинмоқда.

Газетамизнинг ушбу сонида республика Хотин-қизлар қўмитаси Ахборот хизмати ҳамда мухбирларимизнинг жойлардан тайёрлаган материалларини эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.

(Давоми 3-бетда)




## “ОБУНА — 2013”

Индекс — 176

“Оила ва жамият”

*газетасини ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аъзоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар! Унутманг, севимли газетангизга обуна давом этмоқда.*




## ҲИКМАТ

*Тарбия таълимдан устун туради. Инсонни тарбия вояга етказади.*

А. Сент-Экзюпери.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига

# БАХТИМИЗ КАФОЛАТИ

Бугун юртимизда кечаётган демократик жараёнлар, иқтисодий-сиёсий ўзгаришлар билан бир қаторда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш борасида ҳам изчил ҳуқуқий ислоҳотлар олиб борилмоқда. Ўтган йиллар тажрибаси давлат ва жамият ҳаётини демократлаштириш ҳамда эркинлаштириш борасида Ўзбекистон танлаган йўлнинг гоятда тўғрилигини яққол исботлади.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз иқтисодиётда, ижтимоий-сиёсий муносабатлар ва маънавий ҳаётда чуқур ислоҳотлар ўтказиш учун пухта ҳуқуқий пойдевор яратди. Бош Қонунимизда илк бор қонунларнинг устуворлиги, давлат ҳокимиятининг уч тармоққа (қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари) бўлиниш тамойили, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият эканлиги акс эттирилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқларини ўзида тўла мужассам этиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясидаги барча муҳим қоидаларни, хусусан, инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, мулкдор бўлиш ҳуқуқи ва бошқа шу каби манфаатларни ўз ичига олди.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузаларидан бирида ушбу ҳужжатда "Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — Инсон ҳуқуқлари деган фикрни илгари сурдик" — дея таъкидлаган эдилар. Шу сабабли, ҳар йили Конституциямиз қабул қилинган кун шарафига бағишлаб ўтказиладиган анжуманда Президентимиз томонидан янги йилни инсон ва унинг манфаатларини улуғлаш мақсадида турли номлар билан аташ эзгу анъанага айланди. Мустақил мамлакатимиз Қомуси қабул қилиниши билан бахтли келажагимизнинг ҳуқуқий пойдеворИ яратилди.

Албатта давлат ва жамият ҳаёти ислоҳотлар ва ривожланишларга эҳтиёж сезиши, ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши натижасида қонунчилик меъёрлари ҳам тараққий этиб бориши табиий ҳолдир. Бу эса энг аввало, Асосий Қонунимизга ўзгариш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Шу маънода Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 18 апрель куни "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши тараққиёт тимсоли сифатида эътироф этиш ўринли бўлар эди. Унга кўра, Конституциямизнинг 78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бундай ўзгартириш ва қўшимчалар демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, давлат ҳокимиятининг учта субъекти: Давлат бошлиғи — Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларни янада мутаносиб тақсимланишини таъминлашни кўзда тутади. Қолаверса, ўзгаришлар социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш мақсадида қабул қилингани билан ҳам эътиборга сазовордир.

Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, тараққиётга хизмат қилувчи ислоҳотларни амалга оширишни янада кучайтиришга хизмат қилади.

**Фазлиддин ПОЛВОНОВ,**
**Фарғона шаҳар,**
**5-сонли давлат нотариал идораси нотариуси.**

# АДОЛАТ ТАРОЗИСИ

20 йилки, халқимиз тарихида оламшумул сана — асосий Қонунимиз — мамлакатимиз Конституцияси кунини шодмонлик билан байрам қиламиз. Айни шу санадан бошлаб мустақил юртимизда сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий тараққиёт даври бошланди, халқаро ҳамжамиятдаги ўрнимиз, нуфузимизни тубдан ўзгартириш борасида ҳуқуқий асослар яратилишига пойдевор қўйилди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципиал қоидалари Конституциямиз моддаларида том маънода ўз аксини топди. Хусусан, инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари, эркинликлари давлат манфаатларидан устун эканлиги мустаҳкамланиб, аҳоли учун муносиб ҳаёт шароити яратиш ягона мақсад эканлиги кафолатлаб қўйилди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон илк бора ижтимоий адолат тамойилларига асосланган давлат эканлигини эълон қилди. Асосий Қомусимизда халқаро ҳуқуқнинг барча умумэътироф этилган норма ва қоидалари, муҳим демократик ва инсонпарвар ғоялар мужассам эканлиги дунё миқёсида кўп бора эътироф қилинди. Олайлик, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг ўндан ортиқ моддаларида ўз ифодасини топган инсонпарварликка оид ҳужжатлар мазмуни Конституциямизга сингдирилган. Асосий Қонун асосини давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойил ва тарқиби "ўзбек модели" ташкил этди.

Конституция бизга фақат ҳуқуқ ва эркинликлар берибгина қолмасдан, шу билан бирга қатор бурч ва вазифаларни ҳам юклайди. Қомусимизнинг ҳар бир моддасини алоҳида шарҳлаш, кундалик ҳаётий масалалар бўйича хулосалар чиқариш мумкин. Энг муҳими, Конституциянинг давлат ва жамият ҳаётидаги аҳамияти беқиёсдир. Зеро, Қомусимиз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасида асосий демократик тамойил ва талабларни ўзида мужассам этган, юртимизда инсон ҳуқуқлари тизимини шакллантиришнинг сиёсий, ҳуқуқий асосига айланган. Хулоса қилиб айтганда, Конституция мустақил мамлакатимизда адолатли фуқаровий жамият тузиш ва демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш гарови, яъни адолат тарозисидир.

**Эътиборхон БЎРОНОВА,**
**Тайлоқ туман ФҲДЁ бўлими мудири.**

*Тадбир*

# МЕҲР-МУРУВВАТ ФОРУМИ

**Пойтахтимизда "Sen yolg'iz emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, тегишли вазирлик ва идоралар, БМТнинг ЮНИСЕФ Болалар жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида "Жамиятнинг оила ва болаликни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимидаги руҳий-маънавий асослари" мавзуида халқаро форум ўтказилди. Тўққизинчи маротаба ўтказилаётган ушбу тадбир болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини бошқаришда давлат стратегиясини такомиллаштириш, иштирокчиларни инновацион тажрибалар билан таништиришни мақсад қилган эди.**

Халқаро форумнинг очилишида мамлакатимизнинг ЮНЕСКОдаги вакили, "Sen yolg'iz emassan" РЖБЖ ва Болалар ижтимоий мослашуви маркази Васийлик кенгаши раиси Лола Каримова-Тиллаева сўзга чиқиб, тизимда амалга оширилаётган ишлар ҳамда ҳар икки ташкилотнинг фаолияти хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

— Икки кунлик халқаро форум доирасида ўтказилаётган тақдимот, мунозара ва давра суҳбатларида марказимиз мутахассислари фаол иштирок этишди, — дейди "Сен ёлғиз эмассан" РЖБЖ қошидаги ўқув маркази директори Матлуба Ахунова. — Кейинги ўн йил мобайнида жамғарманинг ўқув марказида 2000 дан ортиқ бола тайёрлов курсларини ўтаб, 214 нафар битирувчи нуфузли олий ўқув юртларининг талабалари бўлишди.

Маълумки, "Sen yolg'iz emassan" республика жамоатчилик болалар жамғармаси (РЖБЖ) ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган болалар ҳуқуқини ҳимоялаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, таълим бериш ва тиббий кўмаклашиш соҳасида, шунингдек, келгусида истеъдодларини муваффақиятли ривожлантириш учун имкониятлари чекланган иқтидорли болаларга қулай шарт-шароитлар яратиш юзасидан ҳам хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

**Барно МИРЗААҲМЕДОВА,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**

# НАМУНАЛИ МАҲАЛЛАЛАР ТАНЛОВИ

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича Сурхондарё вилоятида ҳам қатор хайрли ишлар олиб борилмоқда. Яқинда бўлиб ўтган маҳаллалараро танлов ҳам дастур рўёби йўлида қўйилган бир қадам бўлди. Кўрикнинг туман ва шаҳар саралаш босқичларида ғолиб деб топилган 42 та маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари Термиз шаҳрида ўтказилган вилоят босқичида ўзаро куч синашдилар.

Ғоятда қизғин ўтган танловда "Алпомиш" маҳалла фуқаролар йиғини (Термиз шаҳри) биринчи ўринга муносиб деб топилди. Иккинчи ўринни Денов туманидаги "Навбаҳор", учинчи ўринни эса Жарқўрғон туманидаги "Соқчи" маҳалла фуқаролар йиғини эгаллади.

**Маҳмуд АБУЛФАЙЗ,**
**"Оила ва жамият" мухбири.**
**Сурхондарё вилояти.**

# БУРЧИМИЗНИ УНУТМАЙЛИК

*«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги»*

Мана, юртимизда куз фасли ҳам охирлаб, қиш эшик қоқмоқда. Одатда совуқ тушди дегунча, айрим ҳудудларда ёнғинлар келиб чиқиш ҳолати кучаяди. Бундай кўнгилсиз воқеалар асосан қурилиш майдончаси ва вагонларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини бузиш ҳамда қурувчилар томонидан электр ускуналарни ўрнатишда, электр ва газ пайвандлаш ишлари олиб борилаётган жойларда тегишли қоидаларга риоя қилинмаганлиги оқибатида содир бўлаяпти.

Бундай ноxуш ҳодисалар рўй бермаслиги учун қуйидаги тартиб-қоидаларга қатъий равишда амал қилишингизни сўраймиз:

*— Электр ва газ пайвандлаш ишлари олиб борилаётган жойлар 5 метр радиусда ёнувчи буюмлардан тозаланиши, портловчи модда ва ускуналардан 10 метр узоқликда бўлиши ҳамда ўт ўчириш воситалари билан таъминланиши керак;*

*— хоналарни иситиш ва кийимларни қуритишда қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланмаслик;*

*— хоналардаги электр ускуналарини қаровсиз қолдирмаслик;*

*— носоз ҳолдаги изоляция қопламi шикастланган электр тармоқларидан фойдаланмаслик;*

*— қурилиш майдончаси бирламчи ёнғинни ўчириш қалқонлари билан таъминланиши шарт;*

*— қурилиш майдончасида очиқ алангадан фойдаланиш қатъиян ман этилади;*

*— қурилиш майдончасида вақтинчалик сақланаётган ёнувчи қурилиш материаллари қурилаётган ва вақтинчалик қурилган биноларидан камида 30 метр узоқликда туриши керак;*

*— қурилаётган бинонинг томида қора сақич эритиш таъқиқланади.*

Азиз юртдошлар!
Ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олган афзалроқдир!

**Раҳматилла САЙДАЛИЕВ,**
**Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори, сержант.**

# ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Мамлакатимизда "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" давом этаётган шу кунларда мазкур соҳа ходимлари ҳар бир ташкилот, муассаса, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, мактаб ва боғчаларда ёнғин хавфсизлиги ҳақида тўлиқ маълумот бериб, бунинг оқибатида қандай кўнгилсиз ҳодисалар юз беришини атрофлича тушунтиришмоқда.

Албатта, ўз вақтида қурилаётган чора-тадбирларга қарамасдан пойтахтимизнинг айрим ҳудудларида ёнғин ҳолатлари рўй бериб турибди. Масалан, яқинда Миробод туманида яшайдиган фуқаро Ж.Собитованинг хонадонида шундай кўнгилсиз воқеа содир бўлди. Ушбу ёнғин оқибатида молхонанинг том панжараси ёниб кетган.. Учтепа туманида яшовчи Ю.Самитованинг хонадонида келиб чиққан ёнғин телевизор симларининг қисқа туташуви оқибатида рўй берганлиги аниқланди.

**Комил АРИПОВ,**
**12-ҲЁҲО, 23-ҲЁҲҚ кичик инспектори, сафдор.**

# САРҲИСОБ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

* * *

**СИРДАРЁ** вилояти маркази Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳисобот-сайлов конференциясида туман, шаҳарлар хотин-қизлар конференцияларида 191 нафар делегат вилоят ташкилотлари ва корхоналар раҳбарлари, жамоат ташкилотлари ҳамда оммавий-ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Конференцияда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг 2012 йилга қадар фаолияти юзасидан ҳисобот тингланди. Унда таъкидланганидек, хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида ҳар йили ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб, ўтган давр мобайнида 32890 нафари иш билан таъминланганлиги эътироф этилди. Шу билан бирга хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида вилоятдаги тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар хайрли ишларга сарфланганлиги айтиб ўтилди.

* * *

**ЖИЗЗАХ** вилоятида бўлиб ўтган конференцияда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Шаҳло Ахророва "Хотин-қизларнинг мамлакатда фуқаролик жамиятини шакллантириш, оилани мустаҳкамлаш жараёнларидаги ролини кучайтириш, уларнинг давлат ва жамият қурилишидаги кенг иштирокини таъминлаш бўйича 2013-2014 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури лойиҳаси" ҳақида, шунингдек, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг Низомига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Музокараларда вилоят кўп тармоқли болалар тиббиёт маркази бош шифокори, Олий Мажлиси Сенати аъзоси Холида Алимова, вилоят маънавият тарғиботи маркази раҳбари Ўрол Носиров, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Бахриддин Сафаров, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Тоҳир Саидхонов ва бошқалар сўзга чиқдилар. Анжуман иштирокчилари вилоят хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот давридаги фаолиятини қониқарли деб баҳоладилар.

* * *

**НАМАНГАН** шаҳридаги «Ёшлар маркази»да бўлиб ўтган вилоят хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги ҳисобот-сайлов конференциясида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Манзурахон Азизова ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар хусусида батафсил маълумот берди. Маърузада таъкидланганидек, ўтган муддат ичида эришилган ютуқлар салмоқли. Бироқ ўз навбатида камчиликларга ҳам йўл қўйилганлиги айтиб ўтилди.

Шундан сўнг Янгиқўрғон тумани "Исковот" ҚВП мудираси Малика Эралиева сўзга чиқиб, мустақиллик йилларида оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш, аёллар саломатлигини асраш, айниқса, қишлоқ аҳолисига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини кўтариш борасида юртимизда кечаётган ислоҳотларнинг вилоятдаги ижобий натижалари хусусида ҳаётий мисолларни келтирди.

* * *

**АНДИЖОН** вилояти хотин-қизлар қўмитаси хисобот-сайлов конференциясида юртимизда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, аёлларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаол иштирокини, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида амалга оширилган ишлар ҳамда Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси талабларидан келиб чиқадиган вазифалар ижроси хусусида атрофлича сўз юритилди.

— Бугунги кунда вилоятда қўмитанинг 3718 та бошланғич ташкилотлари фаолият олиб бормоқда, — **дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Манзурахон Юнусова конференцияда ги маърузасида.** — Қўмитамиз ана шу қуйи тизимлар билан яқин ҳамкорликда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, репродуктив саломатлигини яхшилаш, спортнинг оммавий турларига жалб этиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш, шу билан бирга, оилаларда барқарор муҳитни ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш қизларни касб-ҳунарга йўналтириш, оилавий ҳаётга тайёрлаш сингари қатор йўналишларда тегишли дастурлар ва аниқ режалар асосида иш олиб бормоқда.

Дарҳақиқат, ҳисобот даврида қўмита томонидан олиб борилган самарали ишлар натижасида вилоятда истиқомат қилаётган 1 миллион 350 минг нафарга яқин хотин-қизларнинг ишга лаёқатли қисмининг аксарияти турли соҳаларда меҳнат билан бандлиги таъминланди. Уларнинг орасида 5 минг нафарга яқин раҳбар, 316 нафар фермер, 20 минг нафарга яқин тадбиркор аёллар фаолият кўрсатмоқда. Шу билан бирга, ҳунарманд, оилавий бизнес билан шуғулланаётган хотин-қизлар сафи ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида вилоятда хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини, оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш учун 5 миллиард 395 миллион сўм миқдордаги кредит маблағлари ажратилди. Бундан ташқари, ана шу даврда 32645 та янги иш ўринлари яратилди. Яратилган янги иш ўринларининг асосий қисми кичик ва оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, уй меҳнатини ташкил этиш ва касаначилик-нинг ривожлантириш ҳисобига тўғри келганлиги қувонарлидир.

* * *

**ФАРҒОНА** вилояти хотин-қизлар қўмитаси тизимида бугунги кунда 4 минг 400 дан зиёд бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Хотин-қизларнинг касб-ҳунар эгаллаши, иш билан таъминланиши, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш каби йўналишлар бўйича самарали иш олиб борилмоқда.

Шу йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятнинг шаҳар ва туманларида хотин-қизлар учун 33 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилган. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган икки минг нафардан зиёд аёлга имтиёзли кредитлар берилган.

— Айни кунда хотин-қизларимизнинг фаоллик ва ташаббускорлигини янада кучайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, — **дейди конференцияда маъруза қилган вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлудахон Хўжаева.** — Мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш ва такомиллаштиришда давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлмоқда.

"Мустаҳкам оила йили Давлат дастури" доирасида вилоятда яшаётган оилаларга ижтимоий, ҳуқуқий, моддий ва маънавий кўмак бериш, хотин-қизларни касбга йўналтириш ҳамда тадбиркорликка жалб этиш, ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш каби долзарб вазифалар кўлами кенгайганлиги алоҳида таъкидланди. "Энг намунали оила", "Энг фаол касаначи аёл", "Энг илғор пиллачи аёл", "Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи" каби танлов ва спорт мусобақалари хотин-қизлар салоҳияти ҳамда имкониятларини рўёбга чиқариш ва уларни рағбатлантиришга хизмат қилаётганлиги айтиб ўтилди.

* * *

**СУРХОНДАРЁ** вилоятида ҳам бошқа ҳудудларда бўлганидек, хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ролини янада ошириш, турмушнинг барча жабҳаларида фаоллик кўрсатишаётгани Термиз шаҳрида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференциясида таъкидланди. Айниқса вилоятда хотин-қизлар саломатлиги муҳофазаси борасида амалга оширилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. 2012 йилнинг уч ойи мобайнида туғиш ёшидаги аёлларнинг 612975 нафари тиббий кўрикдан ўтказилганлиги бу борада мамлакатимиз миқёсида аёллар репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш борасида улкан ислоҳотлар олиб борилаётганлигининг яна бир тасдиғидир.

Шунингдек, конференцияда маъруза қилган вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавлуда Қобулова эртамиз ворислари бўлган қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш, уларнинг оила қуриш, рўзғор юритиш сингари муҳим масалаларда касб-ҳунар коллежлари, Термиз давлат университети талаба қизлари ўртасида "Оқила қиз" кўрик-танловининг ўтказилиши ибратли эканлигини таъкидлаб ўтди. 2005-2012 йиллар давомида "Зулфияхоним қизлари" кўрик-танловининг вилоят босқичида 525 нафар иқтидорли қизлар иштирок этишди. Бугунги кунда вилоятда 13 нафар Зулфияхоним қизлари турли соҳаларда фаолият юритишмоқда.

* * *

**ТОШКЕНТ** вилояти хотин қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида Юртбошимизнинг Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш концепциясида ҳам хотин-қизлар қўмитаси фаолиятига оид долзарб вазифалар аниқ белгилаб берилганлиги ҳақида сўз юритилди. Бу борада вилоятда ҳам қатор амалий ишлар бажарилганлиги таъкидланди. Жумладан, ҳисобот даври давомида хотин-қизлар қўмитаси қошида "Зулфияхоним қизлари", "Ораста қизлар" тўгараклари, тадбиркор аёллар учун " Ахборот маслаҳат маркази", ёш оила қурувчилар учун "Мустаҳкам оила маслаҳат маркази" ташкил этилганлиги эътиборга моликдир.

— Вилоятимизда фаолият кўрсатаётган хотин-қизлар қўмитасининг бошланғич ташкилотлари сони бугунги кунда 3322 тага етди, — **дейди ўз маърузасида вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева.** — Ўтган йиллар давомида хотин-қизларни иш билан таъминлаш ва уларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида ҳар йили ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилиб, белгиланган режалар 101-103 % га бажариб келинмоқда. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ҳам ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида шаҳар ва туманлардаги тижорат банклари томонидан ўтган йил давомида 98 млрд. 642 млн. 21минг сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

* * *

**ТОШКЕНТ** шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясига туманлардаги хотин-қизлар қўмиталаридан 150 нафар делегатлар сайланди. Айни пайтда шаҳар хотин-қизлар қўмитаси қошида 11 та уюшмалар фаолият кўрсатиб келмоқда. Қўмита ҳузурида жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган "Маънавий-маърифий ишларни олиб бориш уюшмаси", "Олима аёллар уюшмаси", "Ҳуқуқий саводхонликни ошириш уюшма"лари томонидан аёлларимизни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, маънавий ва интеллектуал билим савиясини юксалтиришда амалга оширилган ишларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор Фарида Абдураҳимова конференцияда қилган маърузасида таъкидлаб ўтганидек, пойтахтимизда саноат соҳасида 144531 нафар, қурилиш соҳасида 29487 нафар, савдо соҳасида 31338, уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида 70230, соғлиқни сақлаш тизимида 279125, халқ таълими тизимида 417058 нафар, фан соҳасида 55407, молия-кредит соҳасида 61245, бошқарув аппаратида 51876 нафар хотин-қизлар фаолият олиб бормоқда.

Аёлларимизнинг жамиятдаги мавқеи ва нуфузининг янада ортиб бораётганлигини шаҳардаги 476 та маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг 118 нафари, маҳалла котибларининг 369 нафари ва 476 нафар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маҳалла маслаҳатчилари ҳам аёллар эканлиги тасдиқлайди.

* * *

**Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Бухоро, Қашқадарё, Хоразм ва Самарқанд вилоятларида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов конференцияларида ҳам хотин-қизлар қўмитаси тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар хусусида атрофлича тўхталиб ўтилди. Эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда, йўл қўйилаётган айрим камчилик ва нуқсонларга ҳам эътибор қаратилди.**

**Конференцияларда мазкур камчиликлар чуқур таҳлил этилиб, жойларда, қишлоқларда, маҳаллаларда хотин-қизлар фаоллигини янада ошириш, бошқа жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шерикчилик бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинди.**

**Бўлиб ўтган барча ҳисобот-сайлов анжуманларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари қайтадан сайланди.**

**Ҳудудларда бўлиб ўтган конференцияларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.**

**Шоир халқини биласиз, улар кўнгил одами, ҳар лаҳзада ўзгариб туради. Вақти, юмуши деярли чегараланмаган. Бир умр Сурхон тупроғида яшаб, ижод қилиб, миллий адабиётимиз ва илму маърифатимизга баҳоли қудрат улуш қўшиб келаётган Шафоат ака кўпам мақтанишни хуш кўрмайди. Қандай мазмунда савол берсангиз "Эл қатори ишлаяпмиз" деб қўяди камтарин оҳангда.**

# НАЗМ БОҒИДА БИР ГУЛ

## ёхуд элимизнинг ардоқли шоири, "Эл-юрт" ҳурмати ордени соҳиби Шафоат Раҳматулло Термизий билан гурунг



Хуллас, бугунги суҳбатимизни шоирнинг ўзи болалик йилларини хотирлаганча бошлаб берди.

— Мен ҳали эсимниям таниб улгурмаган эдим — Жўра ва Бобоқул акамларни урушга олиб кетишган. Жўрамиз минг афсуски, урушдан қайтмади. 1943 йилда ҳалок бўлганлиги ҳақидаги маълумотни, мустақиллик йилларига келибгина "Хотира китоби"дан ўқиб билдик....

Бир куни болалар билан катта анҳор ёқасида ўйнаб юрганимизда елкасига сафар халтасини осган, новча, қотмадан келган, аскар либосидаги ҳорғин одам кўз олдимизда намоён бўлди. Ҳаммамиз уни томоша қилишга шошилдик. У бизларни бир-бир эркалади, нималардир деб гапирди. Кейин билсам, урушдан омон қайтган бахтли йигит Бобоқул акам экан! Ишонсангиз, шу куни бутун қишлоқда байрам бўлиб кетди. Онам раҳматлининг дам йиғлаб, дам кулиб, акамнинг теварагида "куйдипишди" бўлиб юргани ҳалиҳали кўз олдимдан кетмайди...

Ҳамма истеъдодли шоирларнинг оналари каби Ойимхол момо ҳам зукко, оқила, фаросатли аёл эди. Унинг икки фарзанди элнинг гапга, сўзга чечан оқини бўлди. Бири — Шафоат Раҳматуллаев бўлса, иккинчиси эса бундан анча йиллар бурун дунёдан ўтган машҳур Чоршанби бахши эди. Билган, ақли етганлар Чорша бахшини (уни кўпчилик эркалаб шундай дерди) "Ўзбек халқ оғзаки ижодиётининг хазинаси эди", дея ҳали-ҳамон эслайди. Агар элда довруғ қозонган юзлаб бахшилардан тортиб, ҳозирги оқин-шоирларгача у кишидан у ёки бу даражада сабоқ олганлигини эътиборга оладиган бўлсак, Чорша бахшининг салоҳияти кўз олдингизда яққол намоён бўлади.

Асли шоирлик Шафоат акага зукко элдан, она сутидан, қалби халқ оғзаки ижодиёти лиммо-лим бўлган Ойимхол момонинг тилидан ўтган, десак муболаға бўлмайди. Раҳматли момомиз 85 йил умр кўриб, 1982 йилда бандачиликни бажо келтирган бўлсалар, шоирнинг падари бузруквори Раҳматулла бобо Норбўта ўғли ҳам роппа-роса 85 йил яшаб, 1966 йил поёнида омонатини топширган.

Буёғини сўрасангиз, Раҳматулла бобонинг умри чўпонликда ўтган. Умрини Сурхон, Қашқа даштларида суруvлар ортидан беармон кечирган.

— Қазисан, картасан, асли наслингга тортасан, деганларидек, ёшим бир жойга етган чоғида мен ҳам гоҳо отамга ўхшаб чўпонга айланиб бораётгандекман. Поёнсиз дашту далалар кўз ўнгимда тез-тез пайдо бўлаверади. Қадим шаҳарда яшаётган бўлсам-да, саҳройилигим, анойилигим, ҳамма нарсага ишониб кетавериш одатим ҳалиям мени тарк этган эмас, — дейди кула-кула Раҳматулла ака.

...Шафоат ака ўрта мактабни тугатганидан сўнг Тошкент давлат консерваториясига ўқишга кирди. У ўқиб юрган чоғлари Самарқанд шаҳрида опера ва балет театри очилди. Опера ва хор бўлимида ўқийдиган барча талабаларни ушбу театрга артист сифатида олиб келишди. Улар орасида Шафоат ака ҳам бор эди. Улар Самарқандда ҳам ишладилар, ҳам ўқидилар. Машҳур композитор Мухтор Ашрафий театрга ҳам бадиий раҳбар, ҳам бош режиссёр, ҳам директор эди. 1966 йилнинг кузида шоир ҳарбийга кетди. Армиядан келгач, Сурхондарё вилоят маданият ишлари бошқармасида методист бўлиб иш бошлади. Шундай кунларнинг бирида қишлоқдоши Норали Норбоев (ҳозир Тошкент давлат аграр университети профессори) ва Термиз давлат университети профессори Абдураҳмон Қулматовлар уни педагогика институтига ишга таклиф этишади. Ана шундай қилиб, дипломига "опера-хор артисти" дея қайд этилган Шафоат Раҳматулло 1968 йилнинг кузидан институт талабаларига мусиқадан сабоқ бера бошлади. Шу ерда катта ўқитувчи бўлди. 1995 йилда доцент, 2011 йилда эса профессор унвонига муносиб деб топилди. Соҳага доир бир қатор рисолалар, элликдан ортиқ илмий-услубий, публицистик мақолалар эълон қилди. Мана, қирқ беш йилдирки, бир даргоҳда ишлаб келаётир.

Ҳозирги ўрта мактаб партасиданоқ икки-учтадан китоб чиқаришга улгурган шошқалоқ қаламкашлардан фарқли ўлароқ, Шафоат ака ёши ўттиздан анча ошиб китоб (илк жажжи шеърий тўплами "Жануб шамоли")ни нашр эттиришга муваффақ бўлган. Токи шу етмиш ёшига қадар 6 та китоби чиқди. У 1998 йили Президентимиз Фармони билан фидойи олим "Шуҳрат" медали, 2003 йилда эса "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланди.

Шу ўринда кўнглимиздан кечган айрим саволларни Шафоат акага беришга жазм этдик.

**— Ҳалиям шеърлар ёзаяпсизми, айнан бугунги кунда қандай ижодий ишлар билан бандсиз?**

— Шеър ёшликнинг, шиддатли даврнинг иши экан, кексайганда "илҳом пари"си аҳёнаҳёнда йўқлайди бизни. Ҳозир бир замонлардагидек шомдан тонггача шеър ёзиш қайда дейсиз. Шу кунларда "Мени истаганлар" номли икки қисмли китобни тайёрлаш билан бандман. Бу тўплам мен ҳақимда турли йилларда ёзилган ва бошқалар ҳақида ўзим ёзган мақолалардан таркиб топади. Бундан ташқари, токи шунга

### Гурунг

қадар ёзган туюқ ва тўртликларимни жамлаб, "Келажакка мактуб" номи билан бир китоб ҳам тайёрлаяпман.

Бу ёғи, биласиз, ёшим етмишдан ошди. Киши шу ёшга етиб, ундан ҳам ошаверса, ўйга ботаркан. Ўтган-кетган гапларни, воқеаларни, ижод билан боғлиқ ишларини сарҳисоб қилар экан. Яна... амалга оширажак режалари ҳақида ҳам чуқурроқ ўйлаб, "улгура олармиканман!" дея гоҳо ташвишга ҳам тушаркан.

**Гурунг орасида биз секингина "Шафоат ака, етмишга кирган одам ҳам орзу қиладими?" деймиз кўнглига оғир ботмаслик учун.**

— Нега орзу қилмас экан? Агар одам орзу қилишдан тўхтаса, яшашдан ҳам тўхтайди. Қаранг, кишининг ёши қанча баландга ўрлаб кетавермасин, кўнгли ёшлигича қоларкан. Бир тўртлигимда шундай ёзган эдим:

*Фикримиз равшан-у*
*қоматимиз тик,*
*Ёш кетди, тарк этмас*
*қалбни йигитлик,*
*Лек кўзу кўнглимиз*
*ҳавас айлаган*
*Гўзаллар наздида*
*чол бўлиб қолдик.*

Энди ўйлаб кўрсам, элликда ҳам мен ўзимни ёш ижодкор санаб юрган эканман.

**— Газетамиз муштарийларига оилангиз, фарзандларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Тўғрисини айтсам, мен ҳалиям ёш отаман. Чунки бир йўла тўрт фарзандим ҳам турли олий ўқув юртларида таҳсил олишаяпти. Олти нафар қизим, икки ўғлим бор. Қизларим шифокор, ҳамшира, ўғилларимнинг бири ички ишлар соҳасида, кичиги эса талаба. Янгангиз Хосиятхон бошланғич таълим ўқитувчиси. Ўн нафар неварамиз бор. Худога шукур, бадавлат одамлармиз.

**— Айтинг-чи, қандай китоблар сизга маънавий суянчиқ вазифасини ўтаяпти?**

— Албатта, ижодкорнинг китоб ўқимаслиги мумкин эмас. Сизга айтсам, яқинда профессор Аҳмад Абдуллаевнинг "Навоий ҳақида йигирма икки мақола" китобини катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Жуда роҳатландим. Шу кунларда тилшуносликка доир китобларга кўпроқ мурожаат қилаяпман.

**— Ижодкор учун оиланинг ўрни қай даражада муҳим деб ўйлайсиз?**

— Мен асл ижодкорнинг бўйдоқ яшашини (албатта, улуғ Алишер Навоий бобомиз бундан мустасно) асло тасаввур эта олмайман. Гоҳи оқшом, гоҳи саҳар чоғларида ижод завқи-шавқи, изтироблари аро ўртаниб ётганингизда товушлари ипакдек майин бир аёл ёнингизга келиб "Дадаси, ёзиш-ўқишдан чарчаб қолмадингизми, бир пиёла иссиққина чой ичиб олинг!" деб турса, буни ҳеч нима билан алмаштириб бўлмайди. Қолаверса, одам ёши қайтгач, бироз иззаталаб, бироз инжиқ ҳам бўлиб қолармикан, деяман, ўзимча. Лекин бир нарса аниқки, ижодкор учун оиланинг ўрни беқиёсдир.

**"Оила ва жамият" мухбири Маҳмуд АБУЛФАЙЗ суҳбатлашди.**




**БЎРИБОСАР** — чорва молларини бўрилардан сақлайдиган, ўтов-қураларни, уй ва уй ҳайвонларини қўриқлайдиган, кўкраги кенг, оёқлари бақувват, кучли ит тилимизда қадимдан "Бўрибосар" деб аталган.

**Ақлли бўрибосарлар суруvларни бўйлаб олдинга чопиб борадилар-да, то ҳаммаси ўтиб бўлгунча чўзилиб ётиб дам оладилар.**

*Асқад Мухтор*

**ЧИГИРТКА** — экинзорларга зарар келтирувчи, тўғри қанотлилар туркумига мансуб ҳашарот. Хўш, "чигиртка" сўзи асли қандай ҳосил бўлган? "Ўзбек тилининг этимологик луғати"да изоҳланишича, бу сўз товушга, яъни "чикир-чикир" деган товушга тақлид қилишдан ҳосил бўлган. Ҳозир ҳам халқ тилида "чикирдама" ёки "чикир-чикирлайди" каби сўзлар қўлланиб туради.

**Чигирткалар экин ер, экмай-тикмай текин ер.**

*Мақол*

**УЗАНГИДОШ** — тилимизда тенгдош, дўст, ҳамкор, яқин биродар маъноларини англатган "узангидош" сўзи асли от миниб, бирга юрувчи деган мазмундан келиб чиққан. "Узанги" сўзи отга минаётганда ва миниб юрганда оёқ қўйиладиган махсус мослама маъносини билдиради.

**Унинг отаси менга узангидош эди.**

*"Ўзбек халқ сўзлари" китобидан*

**БАХШИ** — халқ қўшиқлари ва достонларини ёддан куйловчи оқин маъносини англатган "бахши" сўзи аслида тилимизга санскрит тилидан кириб келган. Санскрит тилидаги "бҳикшу" сўзи "будда донишманди" деган маънони билдирган. Кейинчалик бу сўз тилимизда "бахши" шаклида шаклланган.

**Дўмбирасиз**
**бахши бўлмас,**
**Ёмонсиз**
**яхши бўлмас.**

*Мақол*

**Эшқобил ШУКУР тайёрлади.**

Оила сабоқлари

# БОЛА НЕГА САВОЛ БЕРАДИ?



**Уч ёшли Жамшид ошхонада шоша-пиша овқатга уннаётган онасини ҳол-жонига қўймасдан саволга тутарди:**

**— Ойижон, мушукнинг нимага думи бой, нимага у миёвмиёв қиляпти, мушукни ойиши қайелда, дадаши-чи?**

**Унинг бир-иккита саволига жавоб бериб шундоғам хаёли бўлинган онаси жеркиб берди:**

**— Ҳой тирмизак, ҳадеб бижиллайвермай нарипас нари тур, овқатимни пишириб олай...**

**Шу маҳал ошхонага кириб келган бувиси бир четда аразлаб турган неварасининг нима учун хафа бўлганини билгач, келинига танбеҳ берди:**

**— Келин, ҳозир бу айни кўп савол берадиган ёшда, биз катталарнинг вазифамиз унинг саволларига сабр-тоқат билан жавоб бериш, бундай пайтда болани уришманг, хўпми?"**

**Хўш, сиз-чи, кичкинтой "нима-нимачи"ларнинг савол тўла хархашаларига не деб жавоб бергансиз? Мутахассисларнинг фикрича, турли буюмлар ва жониворлар, умуман, ўзини ўраб турган атроф оламга боланинг қизиқувчанлиги, шу ҳақда саволлар ёғдириши унинг истеъдоди белгиси ҳисобланар экан. Афсуски, болаларни бу каби қизиқувчанликни бир лаҳзада йўқотиш ҳам унчалик қийин эмас.**

## ТАРБИЯДА ХАТО ҚИЛМАЯПСИЗМИ?

Жажжилар асосан 2,5 ёшдан то 5 ёшга қадар ўзларини қизиқтирган кўпдан кўп саволларга жавоб излайди. Зинҳор-базинҳор "Ҳозир бандман, тўхтаб тур, кейин" ёки "билмайман" деган жавоблар билан фарзандингиз саволини эътиборсиз қолдирманг. Гўдак эртами, кечми, савол беришни тўхтатади ёки жавобни бошқалардан билиб олишга ҳаракат қилади. Бу албатта, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Сизга қанчалик оғир бўлмасин, кичкинтой сизни ўзининг тўхтовсиз саволлари билан қийнаб ташлаган бўлса-да, сабр-тоқат билан жавоб беришга (бирор бир ибратли мисоллар орқали) ҳаракат қилинг.

## САВОЛНИ ТЎҒРИ ТУЗИШНИ ЎРГАТИНГ

Машҳур табиб ва донишманд Абу Али ибн Синодан сўрашибди: "Сиз шунча нарсани биласиз ва қила оласиз. Болалигингизда тенгдошларингиз орасида энг яхшиси бўлгандирсиз, а?" "Йўқ, асло ундай эмас, деб жавоб берибди Ибн Сино, — атрофимда мендан анча ақллироқ ўқувчилар бор эди. Аммо савол берувчилар орасида энг кучлиси мен эдим!"

Кўриниб турибдики, савол бериш қобилияти бир умр ўзлаштиришимиз керак бўлган санъатдир. Ҳар биримиз ҳаётимиз давомида кўп марта одобсиз, бемаъни, аҳмоқона саволларга дуч келганмиз. Агар гўдакка тўғри савол бериш ва тузишни ўргатсак, савол беришдан қўрқмасликни тушунтирсак, уни келажакда муваффақиятга эришишига кўмаклашган бўламиз. Ҳолбуки, биз катта одамлар тушунмаган нарсамиз тўғрисида бировдан такроран сўрашдан ёки суҳбатдошимизга ўзимизни қизиқтирган саволни беришдан чўчиймиз ва хатога йўл қўямиз. Асосан саволларига жавоб ололмаган ёки савол беришни ўрганмаган болалардан айнан шундай одамлар пайдо бўлади.

## ХЕЧ ҚАЧОН УЯЛТИРМАНГ ВА ҚЎРҚИТМАНГ

Болага бирор нарсани билмаслик — уят эмаслигини тушунтириш ғоятда муҳим масала. Аслида жавоб олиш имконияти бўлганда, уни сўрамаслик — уят. Кичкинтой буни билиши керак. Боланинг берган саволи устидан кулманг ва уни асло уришиб берманг. Чунки, бу унинг учун жуда муҳим бўлиши мумкин. Аксарият катталар боланинг саволини мазах қилиб, нафақат унинг ишончини йўқотади, балки кўнглини ҳам чўктиради. Гўдак савол беришдан қўрқмаслиги учун уни ўйин вақтида турли савол беришга мажбурланг. Оддий ва қизиқ ўйин!

Кичкинтой "нима-нимачи" савол беради, сиз жавоб берасиз. Сўнг роллар алмашади. Энди сиз савол берасиз, масалан, оғиз нима учун керак, қулоқ-бурунлар нега керак? Ва ҳоказо... Жавоблар гоҳ жиддий, гоҳ ҳазил тарзида бўлиши мумкин. Болага интервью ўйинини таклиф этинг. У бирор бир воқеа муносабати билан сизга бир қатор саволлар берсин. Олайлик, ишингиз тўғрисида ёки болалигингиз ҳақида. Агарда тўғри ва яхши савол берса, албатта, уни мақтанг. Бундай ўйинлар бола тафаккури ва нутқини ривожлантиради.

## ЮЗИНЧИ САВОЛДАН ЖАҲЛИНГИЗ ЧИҚМАСИН

Савол бериш ёши — бола ривожидаги муҳим босқич. Бу пайтда юзлаб саволлар бериш мумкин. Бу давр кичкинтойга қандай таъсир кўрсатиши эса унинг ота-онасига боғлиқ. Айрим катталар боланинг серсаволлигидан аччиқланади, ваҳоланки, бундан хурсанд бўлиш керак. Чунки бу, боланинг ривожланиши тўғри кетаётганлигини исботлайди. Уч ёшдан беш ёшгача бўлган даврда бола бундай босқичдан ўтмаса, бунинг сабаби тўғрисида ўйлаб кўриш шарт! Ҳар қандай гўдак Киплинг эртагидаги филчага ўхшаб дунёдаги ҳамма нарсалар тўғрисида билгиси келади. Ҳозирча унинг учун маълумотнинг асосий манбаи — ота-она ва яқинлари ҳисобланади. Кичкинтойнинг наздида сиз унинг учун барча олим профессорлардан ақллироқсиз. Бундай юксак ишончни оқлаш керак! Улғайиш жараёнида кейинчалик у ўзига керакли маълумот ва ахборотларни китоб, ТВ кўрсатувлари, интернет ва кўчадан ўзлаштиришни ўрганиб олади.

**"Оила ва жамият" мухбири Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.**

---

1 декабрь – Жаҳон ОИВ/ОИТСга қарши кураш куни

# КАСАЛЛИКНИНГ ДАВОСИ...

## Ўз қўлимизда эканлигини биламизми?

Мутахассисларнинг изоҳлашича, бу хасталикнинг асосий манбаи ОИВни юқтириб олган одамдир. Инсон организмида вирус бутун ҳаёти давомида сақланиб қолади. Бу инфекциянинг кечиши бир неча даврдан иборат. Яширин даври бир неча ойдан 5-10 йил ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Бунда вирусни юқтириб олганлар кўринишидан соғлом бўлиб, уларда касалликнинг ҳеч қандай белгилари кузатилмайди. ОИВнинг бу даври анча хавфли бўлиб, айрим шахслар ўзлари билмаган ҳолда касалликни бошқаларга юқтириши ҳам мумкин.

ОИВ инфекциясида ўз меъёрида ишлаб турган иммунитет тизими (касалликларга қарши курашиш хусусияти) йиллар давомида вируснинг тажовузини енгиб туради. Хавфли вирус организмда тўсиқсиз кўпая бориб, аста-секин иммунитет тизимини мутлақо издан чиқаради. Агар тегишли даво чоралари кўрилмаса Орттирилган иммунитет танқислик синдроми (ОИТС) ривожланади. Бу даврда организмни турли хил юқумли касалликларга жуда берилувчан бўлиб қолади.

Инфекция 3 хил йўл билан юқади:

**Перентерал** тери ва шиллиқ қаватлар бутунлигининг бузилиши билан амалга ошириладиган муолажалар орқали юқишдир. Асосан гиёҳванд моддаларни томир орқали қабул қилганда, шприц ва игналар умумий ишлатилганда, шунингдек, ОИВ инфекцияси билан зарарланган, текширилмаган қон ва қон маҳсулотлари беморларга қуйилганда, аъзо ва тўқималар кўчириб ўтказилганда, ностерил тиббий ва нотиббий асбоблардан фойдаланганда касаллик юқиши мумкин.

***Жинсий алоқа орқали*** — бетартиб жинсий ҳаёт кечирувчи шахслар орасида кўпроқ учрайди.

**Вертикал** — ОИВни юқтириб олган ҳомиладор аёллар ҳомилага ёки чақалоққа: ҳомиладорлик даврида (агар йўлдош жароҳатланган бўлса), туғруқ жараёнида ва туғилгандан сўнг кўкрак сути билан эмизилганда.

ОИВ инфекцияси юқиш хавфини қай тарзда камайтириш мумкин?

- **оилага, турмуш ўртоғига тўлиқ вафодор бўлиш;**
- **фақат шахсий устара, тиш чўткалари ва бошқа гигиена воситаларидан фойдаланиш;**
- **тиббий муолажалар олиш зарурияти туғилганда фақатгина стериллланган, бир маротаба ишлатиладиган асбоблардан фойдаланиш.**

Касалликнинг қандай белгилари мавжуд?

Хусусан, ОИВ инфекциясига хос белгилар мавжуд эмас. Айрим беморларда касаллик юққандан кейин 8–10 ҳафта ўтгач, бирламчи ўткир клиник кўриниш даври ривожланиши мумкин. Бундай пайтда беморда гриппга хос белгилар кузатилади. Бунда камқувватлилик, иштаҳанинг пасайиши, кўп терлаш, тана ҳароратининг кўтарилиши, лимфа безлари, жигар, талоқнинг катталашуви кузатилади.

Юқорида саналган белгиларнинг қайси касалликка тегишли эканлиги фақат шифокор томонидан аниқланади.

Агар сизда ОИВ инфекцияси юқтириб олиш хавфини туғдирган омиллар кузатилган бўлса, буни аниқлаш мақсадида Республика ва ҳудудий ОИТСга қарши кураш марказларига мурожаат этишингиз мумкин.

ОИТСга қарши кураш марказларига мурожаат этган шахсларнинг исми-шарифи сир сақланган ҳолда, ихтиёрий равишда бепул лаборатория текширивидан ўтиш учун барча зарур шароитлар яратилган. Касалликнинг юққанлигини эрта аниқлаш, ўз соғлигингизни имкон қадар узоқ муддат сақлашга ёрдам беради.

**Нилуфар САПАЕВА тайёрлади.**

---

РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА РЕКЛАМА

**«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази**

қуйидаги ўқув курсларига таклиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Торт олий курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмаклари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Гўзаллик салонига тайёрлаш — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).
Тўқувчилик — 2-3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, Рус тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул, сарпо қути ва саватлар ясаш — 2 ой, Бисердан гуллар, дарахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

**Барчаси амалиёти билан**
Ётоқхона мавжуд.
**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.**

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.
МЎЛЖАЛ: Юнусобод деҳқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида.
ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

---

**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**



**Қадрли неварам АБДУЛАТИФЖОН!**

Сени таваллуд топган кунинг билан самимий муборакбод этаман. Умринг узоқ, бахтинг бутун бўлсин.

**Эҳтиром билан бобонг Муса Аҳмедов. Самарқанд вилояти Булунғур тумани.**

---

**ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

**Муҳтарама дилбандимиз, набирамиз МАҲФУЗАХОН!**



30ноябрь — туғилган кунинг билан чин дилдан табриклаймиз.

Узоқ умр, бахту саодат ҳамиша ҳамроҳ бўлишини Оллоҳдан тилаймиз.

**Эҳтиром билан Назирахон ва Зоиржон Жўраевлар оиласи Тошкент шаҳри Ҳамза тумани.**

# АЛП ОНАДАН ТУҒИЛАДИ

## ЁХУД КАСАЛМАНД КЕЛИН КИМГА КЕРАК?

...Момомни эслайман. Биз у пайтлари кичкина эдигу, лекин уларнинг совчиликдан қайтгач, айтадиган гаплари ёдимизда қолган: «Алп онадан дейдилар. Яъни боланинг нимжон ё соғлом туғилиши аввало аёлга боғлиқ. Шунинг учун гавдаси дуркун қизларни келин қилиш керак. Соғломининг юз-кўзидан нур ёғилиб туради».

Ҳақиқатан ҳам момомиз танлаган қизлар — келинойиларимиз гавдали бўларди. У кишининг яна бир қизиқ одати ҳам бор эдики, нафақат келин бўлмишнинг, балки ака-укалари алп келбатли бўлган қизларни номзодликка сайлардилар. «Ўғил тоғага, қиз эса аммага тортади», дердилар доим. Энди билсак, энг тўғри йўл шу экан аслида.

Бир куни поликлиникага ўғлимни эмлатишга олиб чиқсам, шифокор қабулида бир жувон ўтирибди. Ёнида бир болакай.

— Ўғлингиз неча ёшда? — жуссаси кичиклигини сезиб сўрадим.

— Бу йил еттига тўлади, — деди ҳалиги аёл.

Мен ишонқирамай унга разм солдим. У нари борса, тўрт яшар болага ўхшарди. Орадан бироз вақт ўтиб, уларнинг ёнига бир йигит келди. Юз-кўзи кичкинтойга ўхшашлигини кўриб, яна сўрадим:

— Отаси шекилли-я?

— Йўғ-э, акам —ўғлимнинг тоғаси, — деди у жилмайиб. — Гавдаси кичиклиги учунми, анча ёш кўринади-да...

Яна бир куни ҳамкасбларимдан бири асабийлашиб:

— Кичкина қизим қачон яхши бўлиб кетаркин-а? Тавба қилдим, Худонинг берган куни касал. Топган пулимиз шунинг дори-дармонига кетяпти, — деб қолди.

— Ўзи шундоғам қизингиз жуда нимжон-да. Эрингиз ҳам, сиз ҳам тузуккинасизлар, у кимга ўхшаган ўзи? — деди ёши каттароқ опамиз.

— Қайнсинглимга. Тунов куни келувди, кўрдингиз-ку, ўзиям, феъл-атвориям ўхшайди.

Эсладим. Рангпаргина, худди қуёш кўрмай ўсган новда каби жуда бемажол жувон эди у. Демак, боланинг саломатлиги биргина ота-онанинг ўзига боғлиқ эмас экан-да. Ирсият деган омиллар ҳам борлигини унутмаслик кераклигини ҳаммамиз ҳам билавермаймиз.

Яна бир ҳаётий мисол.

— Бундан уч йилча аввал тўнғич акам ўғлини уйлантириш ҳаракатига тушиб қолди, — дея ҳикоя қилади Матлуба опа деган таниш аёл. — Йигит-қиз бир-бирига кўнгил қўйишибди. Оилалар бир-бирини танишиб, суриштиришгач, тўйга тараддуд бошланди. Аммо тўйга бир ҳафта қолганида, келинойим кўчадан асаби бузилиб кириб келди.

— Тинчликми, нима гап? — сўрабди акам.

— Тўй бўлмайди, тўхтатамиз! — дебди келинойим.

— Ўйлаб гапиряпсанми ўзи, нима, эл орасида мени шармандаи шармисор қилмоқчимисан? Нега энди дабдурустдан шундай деяпсан? Билиб қўй, агар латта-путтани деб шундай деяётган бўлсанг, мендан хафа бўлмагин, — энди акамнинг чинакамига жаҳли чиқа бошлади.

— Э, латта-путтани дебмас! Бозорда қудамни учратиб қолдим. Ёнида бир йигит бор экан. У ногирон экан, тушуняпсизми?

— Хўш, ким экан?

— Ўғли, яъни бўлажак келинингизнинг укаси. Унинг буналигини биздан яширишган экан.

—Туғма эканми, балки туғилгандан кейин жароҳат олгандир, нега ҳовлиқасан? Келинимиз соппа-соғ-ку!

— Бошим қотиб қолди дадаси, келинг бирон нарса ўйлайлик, тўйни қолдириш керак!

— Сени билмадим, лекин мен бундай қилолмайман, вассалом, тўй бўлади!



Орадан бир ярим йил ўтди. Акамнинг ўшанда нотўғри қарор қабул қилгани кейин аён бўлди. Келинимиз кутилмаганда... ишонасизми, бир оёғи калта бола туғди! Устига устак дўхтирлар чақалоқнинг ақлан ривожланиши ҳам кўнгилдагидек бўлмаслигини айтибди. Роса даволатдик, барибир кор қилмади, бечора гўдак саккиз ойлик бўлганида нобуд бўлди. Ахийри жияним билан келиннинг ораси бузилди — ажрашиб кетишди...

Соғлом болалар ҳақида сўз кетар экан, яна момомни эслайман. У ўзию қўни-қўшниларнинг келинлари юкли бўлса, фақат ширин гапларни гапирар, уларни жуда авайларди. Кейин улар ётадиган хоналарни гулларга тўлдириб ташларди. Ҳар куни тонгда ҳовлидаги атиргуллардан гулдаста ясаб, гулдонга, агар у бўлмаса, банкаларга солиб қўйишни канда қилмасди. Келинни ҳам ҳамиша хуш кайфиятда бўлишини истарди.

— Дугонамга жудаям ҳавасим келади, — дейди Дилдора исмли келинчак. — Негаки, унинг қайнонаси жуда яхши аёл. Келин-куёвни чиллали пайтиданоқ авайлар экан, келини хато қилса ҳам яхши гап билан тушунтирар экан. Менинг қайнонам эса сал нарсага бақиравердилар. Агар эрим уйимизга сал эртароқ кириб қолса борми, андишани ҳам йиғиштириб қўядилар. Қайнотам ва қайним олдида ерга киргудек бўламан. Менга қўшилиб, эрим ҳам асабийлашадиган бўлиб қолди. Иккимиз тез-тез уришиб қоляпмиз...

### Бугуннинг гапи

— Қайноналарнинг келинларидан ўғилларини қизғониши тез-тез учраб турадиган ҳодиса, — дейди психолог Феруза Мадраҳимова. — Она ўғлини тўққиз ой қорнида кўтариб, минг бир азоблар билан дунёга келтирса, емай едириб, оқ ювиб-оқ тараб катта қилса, ўқитса-ю, боласи нон топиб келадиган бўлганида, унга бегона бир қиз эга чиқса. Жуда кўп оналарнинг онгида мана шу тушунча маҳкам ўрнашиб қолади-да, унинг руҳиятига салбий таъсирини кўрсатаверади. Қарабсизки, қайнонада уйида кўпроқ қолиб кетган ўғлини тезроқ ёнига чақириб олиш, келинидан шу тариқа ўч олиш хислатлари шакллана боради. Бу табиийки, оилавий можароларни келтириб чиқаради. Андишали, тарбия кўрган келинлар-ку, қайнонани ширин тили, меҳнати билан енгиб, унда ўзларига нисбатан меҳр туйғусини уйғотиб оладилар. Аммо бу иш қўлидан келмайдиган келинлар ҳам учрайдида. Мана шундай арзимаган сабаблар билан ажрашаётган оилаларга ачинасан киши. Руҳан зўриқиш билан ҳомиладорлик даврини ўтказган онанинг соғлом болани дунёга келтириши ҳам қийин.

Дарҳақиқат, оила — сирли маъво. Биз бугун унинг биргина қирраси ҳақида, яъни барча оилаларда соғлом, ақлан ва жисман комил фарзандлар дунёга келиши, бу жараёнгача бўлган йўлда эса тўғри қадам ташлаш жуда муҳимлиги ҳақида сўз юритдик. Бу борада сизда ҳам баъзи мулоҳазалар бўлса, мактуб ёки қўнғироқларингизни кутамиз.

**Шаҳло ТОШБЕКОВА,**
**“Оила ва жамият” мухбири.**

# ЭНГ КИЧИК ЖОНИВОРЛАР

### Биласизми?

* * *

Чихуахуа зотли Даки лақабли кучук ўз “қариндошлари”га нисбатан ўта кичикдир. Унинг бўйи 12,4 сантиметр



бўлиб, АҚШнинг Массачусетс штатида яшайди. Даки Гиннеснинг рекордлар китобида энг кичик кучук сифатида қайд этилган. Рекордлар китобига кўра, шу пайтгача барча давр ва элатлар орасида энг кичик кучук (лақаби номаълум) бўйи атиги 6,2 сантиметрли Йоркшир терьери ҳисобланган.

* * *



Дунёда энг митти илоннинг узунлиги 10,1 сантиметрга тенг. Ушбу илонча Leptotyphlops турига мансуб. Бу турдаги илонларнинг ҳеч бири (ҳаттоки катталари ҳам) 10-10,5 сантиметрдан ошмайди. Митти илонни илк бор Блейр Хеджее исмли олим Кариб оролларидан топишга муваффақ бўлган.

* * *

Энг кичик отнинг бўйи 43 сантиметрни ташкил этади. Уни махсус мутахассислар дунёга келтиришган. Шунинг учун бу ҳол ажабланарли эмас. Пол ва Кай



Гесслинглар ушбу турни яратган олимлардир. Тамбелина ҳозирда энг кичкина от сифатида машҳур.

* * *

2006 йил Суматрада Paedocypris progenetica турига мансуб бўлган кичкинагина балиқча топилди. Ушбу турда-



ги балиқнинг узунлиги 0,8 сантиметрдан ошмайди. Шуниси қизиққи, у карплар оиласига мансуб. Ҳа-ҳа, ушбу жажжи балиқча баҳайбат карпларнинг тўғридан-тўғри қариндоши ҳисобланади. Табиат оламида мана шундай қизиқарли ноўхшашликлар ҳам учраб туради.

* * *



Энг жажжи мушукнинг узунлиги 15,5 сантиметр (думи билан биргаликда). Унинг исми Mr.Peebles бўлиб, Иллинойсда яшайди. Аслида ушбу турдаги мушуклар карликлар сирасига кирмайди. Mr.Peebles 2004 йилда энг митти мушук сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди.

* * *

Буюк Британияда яшовчи Pee Wee лақабли кемирувчининг бўйи ҳали ҳам 2,5 сантиметрдан ошмади. Оддий кемирувчилар турига мансуб бўлган Pee



Wee номаълум сабабларга кўра, 3 ҳафталик давридан бошлаб ўсмай қўйди. Бошқаларининг узунлиги эса аллақачон 5 сантиметрдан ошган.

* * *



Энг митти буқаламун Brookesia Minima турига мансуб. Ушбу жонзотларнинг узунлиги 1,2 сантиметрдан ошмайди. Улар Мадагаскарнинг ёмғирли ўрмонларида истиқомат қилишади. Танасининг рангини ўзгартира олиш қобилиятига эга бўлган бу миттивойларни сезиб, топа олган одамга қойил қолса арзийди. Бунинг учун ўта кучли диққат ва эътибор зарур.

* * *

Sphaerodactylus ariasae турига мансуб энг кичик калтакесакнинг узунлиги 16 миллиметрни ташкил этади. У кичик танга устида бемалол қўним топиши



мумкин. Бу калтакесакни топиш юқорида айтиб ўтилган буқаламунчани топишдан осон бўлмаса керак. Олимлар Виржиния, Британия оролларида ушбу ҳайвонларни топишга муваффақ бўлишди.

**Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.**




## АҲМОҚОНА ҲИЖРОНЛАР

Шукрки, бизда оилани муқаддас ҳисоблашади ва деярли ҳамма умрбод тинч-тотув яшаш тарафдори. Тўғри, жуда кам ҳолларда эр-хотиннинг ажрашишгани ҳақида эшитиб қоламиз. Бунда ҳам сабаб ниҳоятда жиддийлашган бўлса, қонунда кўзда тутилган энг сўнгги чора сифатида шундай қарорга келинади. Бироқ дунёда руҳияти бизнинг халқимизга бир қадар узоқ элат-



лар борки, уларнинг бу борадаги қарорларидан ёқа ушлайсан. Арзимаган аҳмоқона важ билан оила қўрғонини чил-парчин қилиб юборишади.

Америкалик Дэниэльсон деган жаноб рафиқаси Бебе хонимнинг детектив асарларни ўқишига халал беради. Яъни, хотини ўқишни бошлаган ҳар қандай янги китобни у тезроқ ўқиб чиқиб, китобнинг 30-бетига асардаги қотилнинг исмини ёзиб қўярдики, бундан сўнг китобни охиригача ўқишнинг қизиғи қолмасди. Суд ишига тақдим этилган материаллар ўрганиб чиқилгач, ҳакам эрнинг ҳаракатларини Бебе хонимга нисбатан ўта шафқатсизлик муносабати деб баҳолаб, ажрим қарорини чиқарган.



Британиялик Нил Дьюхартнинг хотини билан ажралиш сабаби футбол билан боғлиқ. Маълум бўлишича, аёл фанат эрининг таниқли футболчилар дастхати жамланган футболкасини кир машинасида ювиб қўйган. Суд томонидан аёлнинг ҳаракати ҳақиқий вандализм акти сифатида баҳоланиб, уларга ҳам ажрим қарори чиқарилган.

Бир немис фуқароси ўз хотинини унинг ёқтирган кучугидан рашк қилади. Негаки, кейинги пайтларда хотини шу кучукча парвариши билан банд бўлиб, эрига эътибор бермай қўйганди. Бир қанча кўргазмаларда чемпион бўлган кучукчага ҳалиги киши хотинига сездирмасдан ҳар хил ширинликлар бериб борди. Натижада кучукча тез орада бесўнақай семириб, кўргазмаларда қатнаша олмайдиган бўлди. Эрининг ғаламислигини сезиб қолган хотин ўйлаб ўтирмасдан ажрашиш талабини қўйди.

2011 йилнинг декабрида 99 ёшли италиялик қария 96 ёшли рафиқасининг 1940 йилларда, яъни ёшлигида хушторига ёзган ишқий мактубларидан бирини топиб олди. Улар ҳам ажрашишди. Бу аламли ҳижрондан сўнг улар дунёнинг энг кекса ажрашган жуфтлиги ҳисобланишади.

**Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.**

## КЕЧИККАН КЕЧИРИМ

Оилада кенжа қиз бўлганлигим сабаблими, сал эркароқ ўсганман. Ота-онам оғзимдан чиққан нарсани муҳайё қилишар, ҳамма инжиқликларимни кўтаришарди. Улғайиб, талаба бўлганимда ҳам курсдошларим “Жуда эркасан, бир куни оила қурсанг, нима қиласан?”, дейишарди. Мен эса уларга: “Шу ҳолимча яхши кўрадиган инсонга турмушга чиқаман”, дердим нуқул.

Фариштталар “омин” дейишган экан, шекилли, Хуршид исмли йигит билан танишиб, бир йилга яқин учрашиб юрдик. У худди кутганимдек, мени жуда қадрлайдиган, эркаликларимни ҳам кўтарадиган йигит эди.

Хуллас, тўйимиз кўнгилдагидек ўтди. Эрим билан муносабатимиз ҳам жуда илиқ эди. Унга қанча эркалик қилсам ҳам кўтарарди. Бир куни меҳмонга борадиган бўлиб қолдик. У кишига янги кўйлак олиб бермасангиз, меҳмонга бормайман деб шарт қўйгандим. Шароити бўлмаган шекилли, олиб беролмади. Мен ўша куни “шартим бажарилмагани учун” уйдан чиқмадим. Қайнонамнинг бундан жаҳли чиқиб, “Эркалигингни онангга қиласан, ё ҳозир кийимингни кийиб, машинага чиқасан, ё лаш-лушингни йиғиштириб, уйингга жўнайсан”, деб юборди. Умримда бундай гапни эшитмаганим учун мен ҳам шартта: “Кетишимни шунчалик истаётган бўлсангиз, кетганим бўлсин,” деб отамникига жўнаганман.

Аммо... севикли эрим кечирим сўраш тугул, бир мартаям хабар олмади. Орадан икки ой ўтиб, қўнғироқ қилган турмуш ўртоғим “Онамдан қачон кечирим сўрасанг, уйга ўшанда олиб кетаман”, деди. Мен эса ўшандаям “эгардан тушгим келмай”, “Мен узр сўрайдиган иш қилмадим шекилли”, дедим. Бир ҳафта ўтгач, суддан ажрашиш учун ариза тушганини айтишди. Мен ўшанда катта хато қилганимни англадим. Ота-онам, аммаларим эримникига бориб, оиламизни сақлаб қолишга ҳаракат қилишди. Аммо кеч бўлган эди.

Ёшим ўтган сари қилган қилмишимдан уялиб кетаман. Эрим қайта уйланиб, бола- чақали бўлиб кетди. Уни асло айбламайман. Лекин мен...

**Ёшим 39 да.** Маълумотим олий. Ҳуқуқшуносман. Ишлайман. Уй юмушлари, бичиш, тикиш, пазандачилик ишлари қўлимдан келади.. Ёши 45-50 атрофидаги ижобий фазилатларга эга инсон билан турмуш қуришни орзу қиламан.

**ДИЛОБАР,**
**Самарқанд вилояти.**




## БИР РЎЗҒОРНИ ЭПЛАЙМАН

— **Алло, “Оила” бўлимими?**

— Худди шундай, эшитамиз.

— Исмим Турсунали. **Ёшим 57 да.** Рафиқам ўн йил олдин оламдан ўтган. Ҳамма керакли ҳужжатларни тайёрлаб, бугун почта орқали таҳририятингизга жўнатиб юбордим. Ўзим тўғримда гапирсам, анча йиллар олдин автоҳалокатга учраб ногирон бўлиб қолганман. Шундай бўлса-да, уйда ўтириб қолмаганман. Фирмада ҳисобчи бўлиб ишлайман. Маошим оиламни боқишга бемалол етади. Ёлғиз ўғлимни уйли-жойли қилганман, икки фарзанди бор. Невараларим атрофимда парвона. Лекин кўнглимнинг бир чети доим бўш. Агар мени тушунадиган ёши 50-55 ларда бўлган аёл топилса, оила қурмоқчиман.

**Фарғона вилояти.**

## КЕЛИННИНГ СЕВГАНИ БОР ЭКАН

Мен келин бўлиб тушган хонадон соҳиблари жуда меҳрибон, маънавиятли, обрў-эътиборли. Шу сабабли эримнинг оиласига меҳр қўйиб, укаларига опадек муносабатда бўламан. Ўтган йили қайнукамнинг тўйини қилдик. Келинимиз қайнонамнинг узоқ қариндоши эди. Овсиним тўйдан кейин бизлар билан очилиб гаплашмасди. Тўйдан икки ой ўтиб, онасиникига кетган келинимиз уйга қайтиб келмади. Хавотир олиб суриштирсак, онасиникига ҳам бормабди. Дарров қидиришга тушдик. Кейинроқ маълум бўлишича, у тўйдан аввал бир йигит билан гаплашиб юраркан. Хуллас, ўша куни иккаласи келишиб, бошқа бир шаҳарга қочиб кетишибди.

Қайнукамнинг **ёши 28 да.** Маълумоти ўрта-махсус. Компьютер оператори. У жуда яхши йигит. Яна ёмонига учраб қолмасин, дейман-да! Иложи бўлса турмушга чиқмаган 25-27 ёшлардаги оқила, муомалали қиз топилса янаям яхши бўларди.

**НИЛУФАР,**
**Бухоро шаҳри.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

**«Бахтли бўлинг» рукнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан), соғлиги тўғрисида маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.**

**МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46**

*Табиат — дорихона*

## ПЕТРУШКА

Петрушка уруғи таркибида эфир мойи, ёғлар, баргида эса эфир мойи, каротин, С витамини ва флавоноидлар мавжуд.

Бу ғаройиб ўсимлик безгакка даво бўлиб, бундан ташқари, у тер чиқарувчи ҳамда ел ҳайдовчи, буйрак ва сийдик қопчасидаги тошларни эритувчи хусусиятларга эгалиги билан ҳам машҳур. Унинг шарбати эт узилиши ва эзилишида, лат еганда, юздаги доғларни тозалашда, чивин ва ари чаққанда ва айрим жароҳатларни даволашда яхши малҳам бўлади.



Табобат султони Абу Али ибн Сино петрушкани талоқ ва жигар касалликларини тузатиш ҳамда сийдик ҳайдовчи, аёлларда эса ҳайз келтирувчи дори сифатида даво эканлигини кўп бора таъкидлаган.

Узоқ вақт давом этган панкреатит зўрайганда ҳам сизга петрушка ёрдамга келади. 300 гр. петрушка, 300 гр. саримсоқпиёз, 1 кг. лимон пўстлоғи билан гўштқиймалагичдан ўтказилади. Аралашма сирли кострюлкада 2 ҳафта тиндирилади. У кунига 3 маҳал овқатдан 15 дақиқа олдин истеъмол қилинади.

Агар буйрагингиздан шикоят қилаётган бўлсангиз, янги узилган петрушкани олиб, уч-тўрт шохидан дамлама тайёрлаб, овқатдан ярим соат олдин ичинг.

Яна бир жиҳати, петрушкадан тайёрланган дамламани кўп истеъмол қилиб бўлмайди. Меъёр миқдори бир кунда 30-50 мг.дан ошмаслиги керак.

Ушбу муолажаларни қўллашдан аввал албатта мутахассис-шифокор билан маслаҳатлашинг.

**Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.**

## ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

● Совун танлашда тавсиямиз шуки, гул ва меваларнинг ҳиди кучли уфуриб турган, оч рангли совунларни харид қилманг. Негаки, бу турдаги совунлар таркибида аллергияни чақирувчи моддалар мавжуд бўлиб, унинг фойдаси камроқ ҳисобланади.

● Кўзларингиз янада жозибали бўлишини хоҳласангиз, аввал кўзингизга қора рангдаги тен суринг. Унинг устидан эса оч тилларанг ёки шунга ўхшаш ялтироқ тенлардан суртишингиз мумкин.

● Макияжингиз узоқ вақт сақланиши учун упани енгил ҳаракат билан яхшилаб суртсангиз, мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, ёнингизда доимо салфетка ёки рўмолча олиб юринг.

● Сочингиздаги оқ толаларни ўзининг табиий рангига қайтишини истайсизми? Унда сизга сочингизни беҳили дамлама билан тез-тез ювиб туришни маслаҳат берамиз.

● Лимон мевасининг нафақат шарбати, балки унинг пўстлоғи ҳам фойдали моддаларга анча бойдир. Масалан, кекс, пирог, желе, пудинг, музқаймоққа лимон пўстлоғидан етарлича қўшсангиз, у янада мазали ва хушбўй бўлади.

● Фақат юмшоқ таомларни ейиш милкларни “ялқов” қилиб қўяди. Тиш ва милкларимиз мушакларимиз каби ишлаб туриши лозим. Шунда улар соғлом ва чиройли бўлади. Бунинг учун ёнғоқ, янги узилган мева ва сабзавотлардан кўпроқ истеъмол қилсангиз фойдалидир.



● Ҳар куни уйқуга ётишдан аввал 20 гр. пишлоқ истеъмол қилсангиз, тунингиз сокин, уйқунгиз мароқли бўлади.

● Тўққиз ойлик боланинг овқатланиш рациони асосан нималардан иборат эканлигини биласизми? Бу даврда 200 гр. сабзавот, 100 гр. мева ва 90 мл. шарбат бўлиши жуда тўғри ва фойдали эканлигини шифокорлар кўп бора таъкидлашади.

**Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.**

# КЎНГИЛ КЕЧИНМАЛАРИ

*Ойна*

## “НОМЗОД”

Йўлдан ўтиб бораётган аёл неварасининг хархашасига қулоқ солиб, уни арғимчоқда учирмоқчи бўлди. Қараса, ёнгинасида ўн уч-ўн беш ёшлардаги қиз чаққан пистасининг пўчоғини ерга ташлаб, аста тебраниб ўтирган экан.

— Қизим, пистани бунақа қилиб ташлама, ахир, кап-катта қиз экансан, кимдир шу ерни супуриб кетибди. Бировларнинг меҳнатини ҳурмат қилиш керак, — деди аёл.

— Бу ерни ўзимиз супурамиз, шунинг учун...

— Ўзинг супурган жойни ўзинг асрамасанг, бошқалардан нима кутасан қизим?

— Менинг навбатчилигимда нариги йўлакдаги қиз ифлос қилиб кетади. Кеча у супурган эди, мен ҳам атайлабдан шундай қиляпман, эътиборингиз учун, — дея лабини чўччайтириб, яна писта чақишда давом этаверди қиз.

— Тавба қилдим, бу эртага қайнона ва овсин билан талашишга тайёргина қиз экан-да, — деди аёл афсусланиб...



## ЎРИК ВА МАҒИЗ

— Айтинг-чи, нима учун невара фарзанддан ширин? — деган саволга Ўзбекистон халқ артисти Насиба Абдуллаева лўндагина қилиб шундай мазмунда жавоб бергани эсимда:

— Чунки фарзандни бир йил, неварани эса йигирма йилдан ортиқ кутамиз-да...

Бу мавзуда машҳур адабиётшунос олима Суйима Ғаниева ҳам ажойиб фикр айтган эдилар:

— Қачон ўрик ейилмай туриб, мағзи ейилган?

## СОХТА АЗАДОР

Синглиси бевақт оламдан ўтиб, азадор бўлиб қолган қўшниникига кўнгил сўрагани чиқувдик. Гап орасида у бизларга қараб:

— Синглимнинг ўзи ғалатироқ эди, мендан икки юз минг олиб бермай юрганди, — деса бўладими.

Ҳаммамиз бу гапни эшитиб, бир-биримизга маъноли қараб қўйдик-да, секингина кетишга шошилдик. Марҳумага эмас, ўз пулига куйиб қолган аёлни ким деб аташ мумкин?

## САБОҚ

Бозор ёнидаги қассобхонага бориб, тўрт кило лаҳмгина гўшт тортиб беришини сўрадим.

— Узр опа, сўраганнинг айби йўқ, рўзғоргами ёки?..

— Ярми ўзимга, ярми онамга, — десам, ҳалиги йигит, менга қараб нима дейди денг:

— Йўғ-е, ҳозир онасига гўшт олиб борадиган аёллар ҳам бор эканми? Ишонасизми, опажон, менинг ўзим ўғил бола бўлатуриб, бунинг устига ҳар куни иккита-учта қўй сўйсам-да, “дом”-да яшайдиган онамдан бирров хабар олишга вақт тополмайман. Раҳмат-е сизга!

Барибир чидолмадим, ўша давангир йигитга қараб:

— Онасини унутганни Худойим ҳам унутиши мумкин, укажон!..

## БАШОРАТ

Наполеоннинг онаси уни ҳар куни эрталаб:

— Тур, болам, сени буюк ишлар кутмоқда, — деб уйғотаркан.

— Сендан ҳеч қачон одам чиқмайди, — деб тинмай жавраган кампирнинг невараси қирқ ёшидан ўтган бўлса ҳам, одам бўлмаяпти.

Ёмон фаришталар ҳам борлигини унутмаслик керак экан...

**Гулсара ИСМОИЛОВА**

*Савол-жавоб*

## ВАФОТИДАН СЎНГ...

**Менинг отам 1985 йилда вафот этган, лекин ўлими ФҲДЁ бўлимида қайд эттирилмаган. Гувоҳнома йўқлиги сабабли ҳозирги кунда мерос иши бўйича нотариал ҳаракатларини амалга оширишда қийинчилик юзага келмоқда. Мен отамнинг ўлимини ҳозир ФҲДЁ органида қайд эттиришим мумкинми?**

**А.Олимов, Каттақўрғон шаҳри.**

— Сиз мазкур ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари ва ФҲДЁ органларида иш юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага асосан, тиббий муассасадан ўлим ҳақида тиббий гувоҳнома олиш орқали ёки суд қарорига асосан отангизнинг вафот этганлик ҳолати бўйича актни муддатини ўтказиб қайд эттиришингиз мумкин. Агар ўлим ҳақида тиббий гувоҳнома тақдим этилмаган тақдирда марҳумнинг яшаш жойи ва вафот этган жойидаги ФҲДЁ бўлими архивидан ўлим қайд эттирилмаганлиги ҳақидаги маълумотнома орқали қайд этилади. Ёки тиббиёт муассасасида тиббий гувоҳнома мавжуд бўлмаса, марҳумнинг яшаш жойидаги фуқаролик ишлари бўйича суднинг фуқарони ўлган деб топиш ҳақидаги қарори орқали мурожаат қилиш мумкин.

**Саволга Каттақўрғон шаҳар 3-сон ДНИ нотариуси Азиза ДЎСТОВА жавоб берди.**

*Сарчашма*

# “АВЕСТО”ДА ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ

Милоддан аввалги 1-минг йилликларда бизнинг заминда зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” пайдо бўлганлиги ҳақида қатор манбаларда ёзилган. Абу Райҳон Беруний ўз асарларида “Авесто”нинг 12 мингта қорамол терисига олтин суви билан ёзилганлиги ҳақидаги маълумотларни келтирган. Биз бугун ана шу китобда оила муносабатларига алоҳида эътибор қаратилган айрим жиҳатлар хусусида тўхталамиз.

“Авесто”да оила ҳуқуқи, оила қурилиши, болаларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом бўлишига алоҳида эътибор берилган. Айниқса, эркаклар зиммасига жиддий талаблар қўйилган. Энг аввало, йигитнинг соғлом бўлиши шарт деб саналган. Вақтида тўйиб овқатланиш, дам олиш ва ўз сўзининг устидан чиқишга қодир бўлишига ҳам урғу берилган.

“Авесто”да вояга етган йигит 72 хил рангли ипак иплардан тўқилган белбоғ билан белини ўраб юриши унинг оила қуриш ҳуқуқига эга бўлганлигини билдирган. “Ҳар куни икки марта сув оқиб ўтадиган, суғориладиган бир бўлак ери, подаси, айвонли ҳовлиси, ҳовли-жойида олов ёниб турадиган ўчоғи, хотини, бола-чақаси бўлган, оиласини ўз меҳнати билан боқувчи, ерни яхши парвариш қиладиган, мол-ҳолга қарайдиган одам бегуноҳдир”, дея қайд этилади “Авесто”да. Яна бир қизиқ жиҳати, вояга етган йигит ёки қиз агар оила қурмасдан юрса, жазоланган.

Никоҳ масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу шарт турмуш қурувчиларнинг икки томонлама хоҳиши меваси бўлиб, фақат шундан кейингина ота-она ва васийлар томонидан тасдиқланган. Эътиборли томони, яқин қариндошлар билан никоҳга киришиш қатъиян ман этилган. Айни вақтда аёлнинг ҳомилани олдириши ва тушириши оғир гуноҳ (жиноят) ҳисобланган. Кимки, бу қонунларга итоат этмаса, қаттиқ жазога маҳкум этилган. Чунки қавм ва уруғнинг тоза, авлоднинг соғлом бўлиши учун шундай йўл тутилган. Хонадонда эркак билан аёлнинг, ўғил билан қизнинг тенгҳуқуқлилиги ва баравар ҳимояда бўлишлари белгиланган. Фарзанд ва оиласини ўз ҳолига ташлаб қўйган эркаклар ҳам жавобгарликка тортилган.

Президентимиз нодир манбалар ва маълумотларга бой бўлган бу китоб хусусида **“Энг мўътабар қадимги қўлёзмамиз “Авесто”нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан 30 аср муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маданият, буюк маънавият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди”**, дея бежиз таъкидламаган.

Дарҳақиқат, бундан уч минг йил аввал оила муқаддаслиги, инсон тарбияси ва унинг ворислари тақдирига бўлган эътиборнинг бу даражада юксак бўлганлиги аждодларимизнинг нақадар доно ва одилона иш юритганлигини яна бир карра исботлайди. Қадимий меросимиз бўлмиш “Авесто”да баён қилинган фалсафий-ахлоқий қарашлар инсонни чуқур фикрлашга, шахс дунёқарашини ривожлантиришга хизмат қилади.

**Баҳром МАҲМАСОЛИЕВ, Тошкент давлат юридик институти талабаси.**




## РУСТАМ МАҒЛУБИЯТСИЗ ЎЙНАМОҚДА




Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида бўлиб ўтаётган Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) Гран-приси иккинчи босқич баҳслари муросасиз ва шиддатли курашларга бой бўлмоқда.

Тажрибали гроссмейстеримиз Рустам Қосимжонов озарбойжонлик Шаҳриёр Мамадиёров, украиналик Руслан Пономарёв, кубалик Леньер Домингес Перес ва россиялик Сергей Карякинга қарши партияларда дуранг ўйнади. Ҳамюртимиз тўрт тур натижасига кўра икки очко жамғарди ва ҳозирча еттинчи ўринни банд этган.

Биринчи ўринни 3,5 очко жамғарган россиялик Александр Морозевич эгаллаб турибди.

Кеча бешинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Унда Рустам Қосимжонов 6-тахтада хитойлик ёш гроссмейстер, Осиё чемпиони Ванг Хао билан дона сурди.

## «БУНЁДКОР»–«НАСАФ» ФИНАЛДА

**Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси томонидан ўтказилаётган Ўзбекистон кубогининг финалчилари аниқланди.**

Кубокнинг ўтган йилги соҳиби – “Пахтакор” футболчилари “Бунёдкор” билан ярим финалнинг биринчи учрашувида сафарда 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаган эди. Лекин жавоб учрашувида 1:3 ҳисобида ютқазиб қўйди.

Иккинчи ярим финалда “Бухоро” ва “Насаф” ўзаро куч синашди. Икки ўйин натижасига кўра 5:3 ҳисобида ғалаба қозонган қаршилик чарм тўп усталари кетма-кет иккинчи маротаба мамлакат кубоги финалида тўп сурадиган бўлди.

Ўзбекистон кубогининг финал учрашуви 30 ноябрь куни “Пахтакор” марказий стадионида ўтказилади. Бош совринни қўлга киритган жамоа келгуси мавсумда Осиё чемпионлар лигасида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

**Интернет манбалари асосида Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.**

**ЭЪЛОН!**

2012 йил 26 апрелда Кучаров Олимжон Рузимуротович номига Олий аттестация комиссияси томонидан берилган номзодлик даражаси (01№013169) регистрация рақами №11661 дипломи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш ассоциацияси" (Болалар жамғармаси) ва “Оила ва жамият” газетаси таҳририяти жамоалари ассоциация раиси Инқилоб Юсуповага умр йўлдоши

**Собир ЮСУПОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси

Таҳририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмуни учун таҳририят жавобгар эмас.

«Шарқ» *нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*
Босишга топшириш вақти – 15:00
Босишга топширилди – 15:00

ISSN 2010-7609

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Навбатчи муҳаррир — **Шаҳноза РОФИЕВА**
Саҳифаловчи — **Илҳом ЖУМАНОВ**
Мусаҳҳиҳлар — **Саидғани САЙДАЛИМОВ, Гулноза БОБОЕВА**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида **0169**-рақам билан **11.01.07** да рўйхатга олинган. Буюртма Г – 1128. Формати А–3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 6207. Баҳоси келишилган нархда.

**ОБУНА ИНДЕКСИ** – 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент – 100000. Амир Темур кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oilavajamiyat.uz

1 2 3 4 5